

الحكم تقود إلى السعادة

«Хикматлар – саодатга етаклар»

Биринчи китоб

Тузувчи ва таржимон:
Анвар Аҳмад

Тошкент:
2015 йил

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

ТАҚДИМ

Ўзининг илоҳий ҳикмати или инсонни ҳикматга қобилиятли ва мойил қилиб яратиб, бу билан уни бошқа маҳлукотлардан имтиёзли қилган, унга Ўз даргоҳидан ҳикматлар илҳом этган, энг олий ҳикматларни ваҳий қилиб юборган, ҳар бир иши ҳикматли бўлган Ҳаким Зот – Роббимиз Аллоҳ субҳанаҳу ва таолога Ўзининг ҳикматлари кўламича хамду санолар бўлсин!

Ҳаким Зотнинг энг ҳаким бандаси, инсониятга ҳикматни – суннатни ўргатган, ўлмас ҳикматлар қолдирган, бутун ҳаёти тўлалигича ҳикмат бўлган, башариятнинг ҳакими, севикили Расулимиз Мухаммад Мустафо соллаллоҳу алайхи васалламга айтган ҳикматлари ададиша салавоту саломлар бўлсин!

Ҳикматга ошиқ бўлган, қалблари ҳикмат нурига тўлган, бутун ҳаётини ҳикмат асосида қуришга интилган ҳикматли бандаларга Аллоҳнинг ризоси ва раҳмати бўлсин!

Аллоҳ таоло инсонни бошқа мавжудотларни яратганидек, «Бўл!» деган амр билан эмас, балки Ўз қўли билан яратиб, унга Ўз ҳузуридан рух пуллаган. Шунинг учун инсон бошқа бирор жонзотда топилмайдиган хусусиятларга эга бўлди. Инсонни бошқа маҳлукотлардан фарқлаб турадиган ана шундай хусусиятларидан бири – унинг ҳикматга ошнолигидир. Инсоннинг ҳикматга бўлган интилиши ундаги ақл жавҳарига бевосита боғлиқдир. Аммо ҳикмат инсоннинг фақатгина ақлий қобилиятининг маҳсули эмас. У кўпроқ руҳнинг маркази бўлмиш қалба боғлиқдир. Бошқача қилиб айтганда, унинг булоғи ҳам қалб, сингадиган ўрни ҳам қалбdir. Инсоннинг қалби қанчалик мусаффо бўлса, ҳикматга шунча кўпроқ мойил бўлади, уни яхшироқ сингдиради ва ўзи ҳам аста-секин ҳикмат булоғига айланаб боради. Ана шундай қалб эгаси ҳаким дейилади.

Хўш, ҳикмат ўзи нима? Унинг мазмун-моҳияти нимадан иборат?

«Ҳикмат» арабча сўз бўлиб, «мустаҳкамлик», «ман қилиш», «донишмандлик», «оқилоналиқ», «хукм» маъноларини билдиради. Уламолар ҳикматга тариф берганлар.

Ибн Мурдавайҳ Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан нақл қилади: «Ҳикмат – ақл, фаҳм ва топқириликдир».

Роғиб айтади: «Ҳикмат – илм ва амалда ҳақиқатни топишидир».

Абу Ҳайён айтади: «Ҳикмат – одамлар ваъз оладиган, ўзларига танбех оладиган ва бир-бирларига айтиб юрадиган мантиқдир».

«Ал-Муъжамул-васит» китобида шундай дейилади: «Ҳикмат – энг афзал илмлар асосида ишларнинг энг афзалини билиш, тушуниб етишдир».

Ҳакимларнинг кўплари ҳикматга қўйидагича тариф беришади: «Ҳикмат – нарсаларнинг ҳақиқатини инсоннинг имконияти етадиган даражада асл ҳолида билишдир».

«Ҳикмат» сўзи бизнинг тилимизда ҳам юкоридагига яқин маъноларда ишлатилади. Донишмандликка, оқилона гап-сўзларга, иш-холатларнинг сир-асрорларига нисбатан ҳам айнан ҳикмат сўзи кўлланилади.

Инсоният тарихида ўзининг ҳикматли гаплари билан ном чиқарган биринчи зот Довуд алайҳиссалом ҳисобланадилар. Ҳикмат билан танилган, ҳакимларнинг устози деб тан олинган буюк шахс – Луқмон Ҳаким ҳам Довуд алайҳиссаломнинг шогирди ҳисобланади. Аллоҳ таоло Куръони Каримда Луқмон Ҳаким ҳақида шундай дейди:

«Батаҳқиқ, Биз Луқмонга Аллоҳга шукр қилгин дея ҳикматни бердик. Ким шукр келтирса, фақат ўзи учун шукр келтиради. Ким қуфр келтирса, албатта, Аллоҳ Ганий ва мақтоворга сазовор Зотдир» (Луқмон сураси, 12-оят).

Аллоҳ таолонинг Луқмонга ҳикмат неъматини берганини алоҳида таъкидлаши, унинг ҳакимлигини мақташи, айrim ҳикматли сўзларини сиз билан бизларга насиҳат ўлароқ келтириши, Куръони Каримдаги бир сурани унинг номи билан аташи – барча-барчаси Аллоҳ таолонинг ҳузурида ҳикматнинг накадар юксак эътибори борлигини кўрсатади.

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло Қуръони Каримда пайғамбарлик вазифаларидан бири – кишиларга ҳикматни ўргатиш эканини очиқ айтиб қўйган:

«Шунингдек, ичингизга ўзингиздан, сизларга оятларимизни тиловат қиласиган, сизларни покладиган, сизларга китобни, ҳикматни ва билмайдиган нарсаларингизни ўргатадиган Расул юбордик» (Бакара сураси, 151-оят).

Ха, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг пайғамбарлик ҳаётидаги асосий вазифаларидан бири инсонларга ҳикматни ўргатиш бўлган. У зотнинг суннатлари тўла ҳикматdir. Сўзлаган сўzlари ҳам, қилган ишлари ҳам, ҳатто сукутлари ҳам ҳикматдан иборат эди. Шу боис, муфассир уламоларимиз оятдаги «ҳикмат»ни «суннат» деб тафсир қилганлар. Дарҳақиқат, ҳикматнинг энг олий намуналари Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларида акс этган.

Ҳикмат деганда биринчи бўлиб инсоннинг ўз Яратувчисини таниши тушунилиши лозим. Имом Газзолий айтади: «Ҳамма нарсани билган, лекин Аллоҳни танимаган кишини ҳаким деб бўлмайди, чунки у энг улуғ ва энг афзал маърифатдан маҳрумдир».

Ҳикмат инсоннинг ҳаётини тартибга солишга, унинг осойишта, сермазмун ва сермаҳсул хаёт кечиришига, ҳато-камчиликлардан, тойилишлардан холи бўлишга хизмат қилувчи юксак билимдир. Ҳикмат инсоннинг ақлини чархлайди, заковатини оширади. Ҳикмат билан иш тутиш инсоннинг оиласидаги, жамиятдаги, ҳатто ўз наздидаги мартабасини кўтаради. Ҳикматлар инсонга хаёт тажрибасининг тайёр холосасини тақдим қиласи.

Бир ҳакимдан: «Инсон бир неча юз йил умр кўриши мумкинми?» деб сўрашибди. У: «Ха», деб жавоб берибди. «Қандай қилиб?» дейишибди. Шунда ҳаким: «Китоб ўқиб. Китоб бир инсоннинг бир неча йил, балки бир умрлик тажриба ва билимларининг холосаси ўлароқ дунёга келади. Уни ўқиган киши ўшанча умр кўрган ҳисобланади», деб айтган экан.

Инсонга ана шундай асрларга татигулик умр баҳш эта оловчи китоблар ичидаги энг қимматлиси, шубҳасиз, ваъзу-ҳикматга доир асарлардир. Бинобарин, ҳикматларни ўзига сингдира билган одам минг йиллаб умр кўргандек тажрибага эга бўлади. Зоро, айрим ҳикматлар бутун бир инсон умрининг холосаси ўлароқ дунёга келган. Бундай ҳикматларни ўрганган киши ўша ҳикматларни айтган инсонларнинг умрича ҳаёт кечиргандек бўлади.

Ислом уммати ҳикматни ўрганишга, уни ҳаётда акс эттиришга, ҳар бир иш ортидаги ҳикматларни очиб беришга қадимдан интилиб келган. Жумладан, улуғ аждодларимиз ҳам ҳақиқий ҳикматпарвар, ҳикматга шайдо инсонлар бўлишган. Шунинг учун ҳам улуғ бобокалонларимизнинг илмий меросларида дунёдаги энг гўзал ҳикматлар акс этган. Бунинг натижаси ўлароқ, ҳалқимизда ҳикматли сўzlарга бўлган қизиқиши бошқа ҳалқларга қараганда анча юқори даражада туради. Ушбу ҳақиқатни яхши анлаган устоз Анвар Аҳмад жаноблари араб адабиётларидан юзлаб ҳикматларни тўплаб, уларни ўзбек тилига таржима қилиб, www.arabic.uz сайтининг «Тасвирдаги ҳикматлар» бўлимида мунтазам бериб боришни йўлга қўйдилар. Бундан кўпчилик ўқувчилар мамнун бўлишди, кўплаб яхши фойдалар олишди. Бу олқишлиардан илҳомланган муҳтарам таржимонимиз интернет оламига сайр қилиш имкони бўлмаган ўқувчиларга ҳам ушбу гавҳарлардан баҳраманд қилиш ниятида мазкур ҳикматларни рисола шаклида чоп этишга қарор қилдилар. Кўлингиздаги китобча ушбу хайрли ишда қўйилган илк қадам, ўзига хос дебочадир.

Бугунги кунда маълумот ўқиши учун турли замонавий воситалар беҳад кўпайиб, оммалашиб, қулайлашиб, ўқувчиларни ўзига ром этган бўлса-да, китоб ўзининг қийматини йўқотгани йўқ. Китоблар барibir илм-маърифат манбаи ўлароқ китоб расталарини тўлдириб турибди. Дарҳақиқат, китобнинг ўрни бошқа. Ундан фойдаланиш учун электр токи, бирор жихоз ва шунга ўхшаш омиллар шарт эмас. У қачон қўл чўзсангиз, «Лаббай!» деб келадиган, то сиз зериккунингизча сиздан аrimайдиган энг вафодор дўсттир, сухбатдошdir. Ана шу эътибордан, таржима қилинган ҳикматларни китоб шаклида тақдим этилишини қўллаб-қувватлаш лозим.

Ушбу рисоладаги ҳикматлар маълум бир соҳага чекланмаган бўлиб, эркин мавзудадир. Унда инсоннинг Аллоҳ таоло билан бўладиган муносабатлари, бошқа инсонлар билан бўладиган алоқалари ҳамда ички оламини назорат қилиш, кишининг ўз-ўзини тарбиялашига доир хилма-хил ҳикматлар мавжуд. Уларда саҳобаи киромлардан тортиб, бугунги кундаги донишманд инсонларнинг кўплаб қимматли фикр-мулоҳазалари ўз ифодасини топган. Ҳар бир ҳикматга маҳсус расм ишланган. Китобчадан қўзланган мақсадлардан бири – араб тилини янги ўрганган кишиларда таржима малакасини ошириш бўлгани боис, аввал суратларда ҳикматнинг арабча

матни берилиб, таржима сурат остида тақдим этилган. Бу ҳам яхши бир услуб: ўқувчи таржима қилишни ўрганиш билан бирга энг қимматли ва сара маълумотларга, илм-маърифатга эга бўлади.

Ҳикматларнинг кўпи халқ оғзаки ижодига айланиб улгургани учун кўп ўринда уларнинг муаллифи шахсан кўрсатилмаган. Аммо таржимонимиз омонат сифатида, уларни асосан қуидаги интернет саҳифаларидан олинганини айтади:

- 1) ثقہ نفسک
- 2) کلام من القلب
- 3) خذ الحکمة
- 4) بستان الحکماء
- 5) ثقافة حول العالم
- 6) الموسوعة بوك
- 7) ثقافة وعلوم
- 8) حکمة اليوم
- 9) عجائب وغرائب حول العالم
- 10) أقوال أعجبتني
- 11) كنوز من الحكمة
- 12) ذكر الله
- 13) عذب الكلام
- 14) عالم الثقافة والمعرفة

Ҳикматларни таржима қилишда имкон қадар ўртacha йўл тутишга харакат қилинган: бир йўла матнга ёпишиб олиб, айнан сўзма-сўз таржима қилишдан ҳам, матнни бир четга қўйиб, умумий маънони таржима қилишдан ҳам қочилган. Зоро, таржима тамоман сўзма-сўз бўлиб қолса, тил ўрганувчиларнинг малакасини ошира олмайди, натижада ўқувчи ғализ ва тор таржима қилишдан нарига ўта олмай қолади. Агар умумий мазмунни ўгиришга ўтилса, бунда ҳам ўқувчида таржима маҳорати шаклланмайди, матнни тўлиқ эмас, балки хулоса шаклида таржима қиласиган ва қоидаларни ишлата билмайдиган бўлиб қолади. Агар ўқувчиларимиз ушбу таржимадан ва ундаги маънолардан озгина бўлса-да фойда олсалар, мақсаддага етган бўламиз.

Аллоҳ талодан ушбу камтарона уринишни Ўз даргоҳида хусни қабул айлаб, барча китобхонларимиз учун манфаатли қилсин. Мұхтарам таржимонимиз Анвар Аҳмад жанобларига оиласиб баҳт-саодат, сўнмас ғайрат, ижодий ишларига барака ато этсин.

Ушбу «Ҳикматлар – саодатга етаклар» "الحكم - تقد إلى السعادة" китобининг кейинги қисмларини ҳам китобхонларга тез кунларда, янада юқорироқ савияда тақдим этиб боришлиарида Ўзи мададкор бўлсин.

الأعمى يتمنى .. أن يشاهد العالم
والأصم يتمنى .. سماع الأصوات
والمقدد يتمنى .. المشي خطوات
والأبكم يتمنى .. أن يقول كلمات

وأنت.. تشاهد.. تسمع.. تمشي.. وتتكلم

فَلِ الْحَمْدُ لِلّٰهِ

1. Кўзи ожиз инсон «Ёруғ дунён бир кўрсам» дейди.
Кар одам «Қани энди товушларни эшитсан» дейди.
Ўтириб қолган киши ўз оёғида юриш орзусида яшайди.
Соқов одам эса гапиришга зор.
Сен эса ҳам кўрасан, ҳам эшитасан, ҳам юрасан, ҳам
гапирасан. Шундай экан, «Алҳамду лиллаҳ!» дегин...

مفآتیح السعادۃ

ترید الصحة	عليك بالصيام
ترید نور الوجه	عليك بقيام الليل
ترید الاسترخاء	عليك بترتيل القرآن
ترید السعادة في أوقاتها	صل الصلاة في أوقاتها
ترید الفرج	لازم الاستغفار
ترید زوال الدعاء	لازم الدعاء
ترید زوال الشدة	قل لا حول ولا قوة إلا بالله
ترید البركة	صل على النبي
ترید حسنات بدون تعب	أرسلها لكل أصدقائك

2.

Саодат калитлари:

- Саломатлик истайсанми? Марҳамат, рўза тут!
- Юзинг нурли бўлишини истайсанми? Марҳамат, кечаси қоим бўл!
- Фаравонлик истайсанми? Қуръон ўқи!

- Бахт-саодат истайсанми? Намозларни ўз вақтида адо эт!
- Күшойиш истайсанми? Истиғфор ҳамроҳинг бўлсин!
- Ғам-ғуссанг аришини истайсанми? Доимо дуода бўл!
- Машаққатдан қутулишни истайсанми? «Лаа ҳавла валаа қуввата иллаа биллааҳ»ни кўп айт («Аллоҳдан ўзгадан на қудрат, на қувват бор»)!
- Барака истайсанми? Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга салавот айт!
- Ҳеч бир қийинчиликсиз ҳасанотларга эга бўлишни истайсанми? Марҳамат, мана шу ҳикматни дўстларингга жўнат!



3. Капалак ҳар қанча гўзал бўлмасин, барибир у ҳашоратдир. Кактус дағал бўлса-да, барибир у гулдир. Одамларнинг исми ёки ташқи кўринишига қараб эмас, балки қалбига қараб ҳукм чиқар.



4. Қоронғи кечада Малику Аллом – ўта билиб турувчи Подшоҳ қаршисида ўтирганингда ёш боланинг ишини қил: бола бир нарсани сўраса-ю, уни беришмаса, то олмагунича йиғлайверади.

Сен ҳам ана шундай ёш бола бўлиб ҳожатингни сўра!



5. Кимнинг вирди (кундалик ибодат вазифаси) бўлмаса, унинг Вориддан (Аллоҳдан) келадиган файзу футухи ҳам бўлмайди.

عذراً .. نيوتن !
محبة الرحمن هي التي تجذبنا
عذراً .. ديكارت !
أنا مسلم إذا أنا موجود
عذراً .. دافنشي !
الفتاة المسلمة أجمل من الموناليزا
عذراً .. أديسون !
القرآن الكريم هو مصباح العالم
عذراً .. أفلاطون !
المدينة المنورة هي المدينة الفاضلة
عذراً .. روما !
كل الطرق تؤدي إلى مكّه
--
هذه الحقيقة التي يجب ان نتعلّمها ..

6. Кечирасиз, жаноб Ньютон! Бизни ўзига тортаётган нарса Раҳмоннинг муҳаббатидир.

Узр, жаноб Декарт! Мен мусулмонман, демак мавжудман.

Леонардо да Винчи, маъзур тутасиз, муслима аёл Мона Лизадан гўзалдир.

Жаноб Эдисон, айбга буюрмайсиз! Оламнинг чироғи Куръони
Каримдир.

Устоз Афлотун, кечирасиз! Фозил одамлар шаҳри Мадинаи Мунавварадир.

Узр, Рим шаҳри! Ҳамма йўл Маккага олиб боради.

Мана шулар биз билишимиз лозим бўлган ҳақиқатлардир.

اذا سئلت : هل تخاف الله ؟

فلا تُحِبُّ!

فإنك أجبت بنعم ... كذبت

وَإِنْ أَجْبَتْ بِلَا... كُفْرٌ ...

الفضيل بن عياض



7. «Аллоҳдан қўрқасанми?» деб сўрашса, жавоб берма – «Ҳа» десанг ёлғончи бўласан, «Йўқ» десанг кофир бўласан.


Фузайл ибн Иёз



8. Аллоҳниң буюклигини унутиб, мутакаббирлик қилган ҳар қандай одамга қизил патта (карточка)!



9. Бир ҳакимга: «Нега одам бирорларнинг айбини кўрганчалик ўзининг айбларини кўра олмайди?» дейишиди. «Чунки инсон ўзига ошиқдир, ошиқ эса маъшуқининг айбини кўрмайди», деб жавоб берди.



10. Бир ҳикмат мени ҳайратга солди:

«Битта дараҳтдан миллионта гугурт донаси ясаш мумкин. Биргина гугурт донаси билан эса миллионта дараҳтни ёқиб юборса бўлади».

Демак, биргина ёмон иш билан ҳаётингдаги миллионлаб яхши ишларингни куидириб юборишинг мумкин.



11. Қуръонни қўлга олсанг, шайтон ғазаб қиласди.

Уни очсанг, шайтон йифлайди.

«Бисмиллаҳ»ни айтсанг, ичидан зил кетади.

Тиловатни бошласанг, бехуш йиқилади.


Ушбу ҳикматни бирорвлар билан баҳам кўрмоқчи бўлсанг, сени тўхтатишга ҳаракат қиласди.

Бироқ иймонинг шайтондан кучлидир, иншааллоҳ.

Бу ҳикматни тарқатгин, иншааллоҳ, сенга ажр бўлади.



12. Ҳаёт сурат чизадиган тахтага ўхшайди. Ундаги ранглар сўзлар, шакллар эса амаллардир. Четидаги айланма чизиги умрдир. Биз эса унинг рассомимиз. Ҳаёting тамом бўлганда расм ҳам тугаб битади. Қиёмат қойим бўлганда ҳар бир инсон ўз расм тахтасини намойиш қиласди. Мўйқалам қўлингда экан, расм тахтангга гўзал суратлар чизиб ол.



13. «Инглиз тилини билмаган одам бечорадир, чунки одамларнинг сўзларини англашга қийналади», дейишади.

Аслида араб тилини билмаган одам ҳақиқий бечорадир, чунки у одамлар Роббининг сўзини англашга қийналади.



14. Ўзинг қилмаган иш билан фахрланма:


Хусну жамолинг билан фахрланма, чунки уни сен яратмагансан.

Наслу насабинг билан ҳам фахрланма, чунки уни сен танламагансан.

Аммо одоб-ахлоқинг билан фахрланавер, чунки улар билан ўзинг безангансан.



15. Одамларнинг розилиги етиб бўлмас мақсаддир. Аллоҳнинг розилиги эса тарк этиб бўлмас мақсаддир. Тарк этиб бўлмас нарсани қўлга киритай десанг, етишиш мумкин бўлмаган нарсани ташла!



16. Кимнидир гўзаллиги, чирои учун яхши кўрсанг, бу севги эмас, шаҳватдир.


Кимнидир заковати учун яхши кўрсанг, бу муҳаббат эмас, ҳайратдир.

Кимнидир бойлиги учун яхши кўрсанг, бу ҳам муҳаббат эмас, балки моддапарастликдир.


Кимнидир ўз наздингда яхши бўлгани учун яхши кўрсанг, бу ҳам севги эмас, балки ҳис-туйғуларингдан миннатдорлигингдир.

Аммо яхши кўрган кишингни нима учун яхши кўришингни ўзинг ҳам билмасанг, мана шу ҳақиқий севгидир.

Шариф Абдуллатиф



17. Бир киши бир ҳаким зотнинг олдига келиб, «Фалончи бир жойда сизни роса ёмонлади», деди. Шунда ҳаким зот деди: «У менга ўқ отибди, лекин мўлжалга ура олмабди. Энди нима учун сен ўша ўқни олиб келиб, қалбимга санчмоқдасан?»




18. Одамлар сени ёқтираётган бўлса, билгинки, улар Аллоҳ сенда зоҳир қилиб қўйган нарсаларни ёқтиришяпти, холос. Улар ҳали Аллоҳ сатр қилиб қўйган (бировлардан яширган) қабиҳликларингни билишмайди. Шундай экан, мағрур бўла кўрмаки, бу Аллоҳнинг гўзал сатридир. Аллоҳдан дунёю охиратда ушбу сатр ва офиятни сен учун бардавом қилишини сўра.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дуо қилардилар:

اللَّهُمَّ اسْتُرْ عَوْرَتِي، وَآمِنْ رَوْعَتِي

«Аллоҳуммастур ъавротии ва аамин ровъатии» («Аллоҳим! Уят ишларимни яшир, қўрқинчимни омонликка айлантири!»).

Абу Довуд, Насаий ва Ибн Можсалар ривоят қилган.



19. Ваҳиманинг ўзи ярим касалликдир.
Хотиржамлик ярим соғликдир.
Сабр эса шифонинг бошланишидир.


Ибн Сино



20. Ҳаёт менга қуидагиларни ўргатди:
- Аллоҳдан бошқа ҳеч кимга суюнмаслик керак экан.
 - Дўст жуда ҳам ноёб нарса бўлар экан.
 - Яхши кўрганинг хиёнат қилиб қолиши ҳам мумкин экан.
 - Яқинларинг ҳам «ўтиб кетаверар» экан.
 - Ёлғиз Аллоҳгина қодир Зот экан.
 - Агар дунё бир ғам дengизи бўлса, мен ундан сабр қайиғида сузиб ўтишим керак экан.



21. Мъсият – ёпик эшикдир. Уни очишга бир марта журъат қилсанг, кейин кўп марталаб очишинг осон бўлиб қолади. Бу шундай бир қадамки, ортидан бир нечта қадамлар эргашиб келади. Шу боис, сен биринчи қадамни «ўлдириш»га интил.



22. Орифлардан бири: «Дунёда шундай бир жаннат борки, ким унга кирмаса, охират жаннатига ҳам кирмайди», деди. «У нима экан?» дейишиди. Шунда у: «Аллоҳнинг муҳаббати ва Унинг зикри», деб жавоб берди.

У яна айтади: «Қалбдан шундай бир кечинмалар ўтадики, мен ўзимча: «Агар жаннат аҳли мана шундай ҳолатда бўлишса, ғоятда ширин ҳаёт ичра бўладилар», дейман».

"اللَّهُمَّ إِنِّي أَسْأَلُكَ حُبَّكَ وَحُبَّ مَنْ يُحِبُّكَ، وَالْعَمَلَ الَّذِي يُبَلِّغُنِي حُبَّكَ؛ اللَّهُمَّ اجْعَلْ حُبَّكَ أَحَبَّ إِلَيَّ مِنْ نَفْسِي وَأَهْلِي وَمِنَ الْمَاءِ الْبَارِدِ"

«Аллоохумма инни ас‘алука ҳуббака ва ҳубба ман йухиббука вал-ъамалаллазии йубаллиғуни ҳуббак.

Аллохуммажъал ҳуббака аҳабба илайха мин нафсии ва аҳлии ва минал-маа‘ил-баарид».

«*Аллоҳим! Ўзингнинг муҳаббатингни ва Сени севган кишиларнинг муҳаббатини ҳамда Сенинг муҳаббатингга етказадиган амалларни сўрайман.*

Аллоҳим! Муҳаббатингни менга нафсимдан ҳам, аҳлимдан ҳам ва муздек (зилол) сувдан ҳам маҳбуброқ қилгин»).

И мом Термизий ривояти.

سُبْحَانَ اللَّهِ وَبِحَمْدِهِ عَدَدُ خَلْقِهِ وَرِضَا نَفْسِهِ وَزَنَةُ عَرْشِهِ وَمِدَادُ كَلِمَاتِهِ

«Субҳааналлоҳи ва биҳамдиҳи ъадада холқиҳи ва ридоо нафсиҳи ва зината ъаршиҳи ва мидаада калимаатиҳ».

(*Аллоҳга маҳлукотларининг ададиҷа, Ўзи рози бўлгунча, Аришининг вазнича, калималарнинг узунлигича ҳамд айтаман ва Уни поклаб ёд этаман).*

И мом Муслим ривояти.



23. Муваффақиятни орзулайдиганлар ҳам бор...

Уни рўёбга чиқариш учун тонгда барвақт турадиганлар ҳам бор...



24. Фейсбукка киришдан олдин Аллоҳнинг йўлига чақиришни ният қил!

«Ўртоқлашиш» («поделиться», «share») тугмасини босишдан аввал яхшиликни ёйиш ва садақаи жория қилишни ният қил!

«Ёқди» («нравится», «like») тугмасини босишдан аввал бир мусулмоннинг қалбига шодлик олиб киришни ният қил!

Фикр-мулоҳаза («комментарий», «comment») ёзишдан олдин Аллоҳ ҳар бир гапингни кузатиб турганини эсга ол!

Хуллас, бу ердаги ҳар бир қадамингни Аллоҳ учун босгин, шояд бирортаси Аллоҳнинг олдида сени шафоат қилса!



25. Барча йўллар тезликни белгилаб турувчи мосламалар (радар) билан назорат қилинади. Фақат Аллоҳ томон бўлган йўл ундаи эмас. Балки унга «Тезликни оширинглар!» деб ёзиб қўйилган.

وَسَارِعُوا إِلَى مَغْفِرَةٍ مِنْ رَبِّكُمْ وَجَنَّةٍ عَرْضُهَا السَّمَاوَاتُ وَالْأَرْضُ أَعْدَتْ لِلْمُتَّقِينَ

«Роббингиздан бўладиган мағфиратга ва кенглиги осмонлару ерча келадиган, тақводорлар учун тайёрлаб қўйилган жаннатга шошилинг!»

* Оли Имрон сураси, 133-оят.



26. Таҳажжуд намозини ўқиши учун тунда уйғона олмайдиган бўлсанг, ухлашдан олдин икки ракъат намоз ўқиб олишдан сени нима тўсмоқда?!



27. Умар ўлимлари олдида йиғладилар. Шунда у кишига: «Нега йиғляяпсиз?» дейилган эди, у киши: «Аллоҳнинг ҳузурида улкан ҳисобланадиган бирор гуноҳни ўзимча кичик санаб, қилиб қўймаганмикинман, деб қўрқмоқдаман», дедилар.



28. Бир ҳакимдан: «Инсондаги энг мудҳиш нарса нима?» деб сўрашди. Шунда у қуидагича жавоб берди:

«Инсонлар болаликларидан малолланишади-да, сўнг катта бўлишга ошиқишиади.

Кейин иккинчи марта болаликка қайтишини орзу қилиб, молдунё тўплаш учун соғликларини зое қилишиади.

Сўнгра соғликларини қайта тиклаш учун мол-дунё сарф қилишади.

Келажакни ўйлаб хавотирга тушишади-ю, ҳозирларини унутишади.

Шундай қилиб улар на ҳозирни, ва на келажак ҳаётни яшайдилар».



29. Қиёмат кунидаги энг катта ҳасрат-надомат – тоат-ибодатларингни бошқанинг тарозусида кўришингдир.


Аллоҳим! Тилларимизни ғийбат ва чақимчиликдан асра!



30. Жисмнинг айбларини бир метр мато тўсади. Лекин фикрнинг айбларини биринчи баҳсу мунозаранинг ўзиёқ очиб беради.



31. Бахт-саодатга: «Сен қаерда яшайсан?» дейилди. У: «Аллоҳнинг қазою қадарига рози бўлганларнинг қалбларида», деди.



32. Йўлда тепаликка чиқиб кетаётганингда одамлар билан мулойим муомалада бўлгин, чунки пастга тушаётганингда ҳам уларга рўпара бўлишинг бор.



33. Ким намозни кечиктиришга одатланган бўлса, ҳаётидаги барча ишларини ортга суришга тайёргарлик кўраверсин: уйланиш, иш, зурриёт, офият... Зотан, Аллоҳ уни барча нарсада ортга суриб қўяди.

Ҳасан Басрий айтдилар:

«Агар сенга намозинг арзимас нарсага айланган бўлса, унда сен учун нима қадрли бўла олади?!

Намозинг қанчалик тўғри бўлса, ҳаёting ҳам шунчалик тўғри бўлади.

Ахир билмайсанми, намоз «нажот»га яқин туради?! «Ҳайя ъалас-солаах! Ҳайя ъалал-фалаах!» (Намозга келинглар! Нажотга келинглар!)

Қандай қилиб Аллоҳдан У Зотнинг чакириғига жавоб қилмай туриб муваффакият сўрайсан?!

Аллоҳим! Бизларни намозни ўз вақтида адо этадиганлардан қилгин!



34. Ҳар бир боққа атиргул экканинг яхши. Лекин ҳар бир тилга Аллоҳни зикрини эксанг, ундан-да яхши.

«Субҳаналлоҳи ва биҳамдиҳи» (*Аллоҳни поклаб ёд этаман ва У Зотга ҳамд айтаман*).



35. Қалбингга Аллоҳни мухаббатини чизиб ол, шунда унинг изи аъзоларингда намоён бўлади.



36. «Отифа»ни (ҳис-туйғуларни) шариат билан чегаралаб қўймаса, «осифа»га (бўронга) айланади.



37. Юрагинг сиқилса, ҳеч бир инсонга шикоят қилма! Балки «Роббим! Мени зарап тутди. Сен Ўзинг раҳмлиларнинг раҳмлисисан!» дея такрорлайвер.



38. Садақа қилаётганингда маблағларингни йўқотаётган бўлмайсан, балки уни бошқа пайт учун ўзингга жўнатаётган бўласан.



39. Бир куни Абу Хурайра розияллоҳу анхунинг онаси уни «Ҳой Абу Хурайра!» деб чақириб қолди. Абу Хурайра розияллоҳу анҳу «Лаббай!» деди, бироқ «Лаббай!» деганда овози онасининг овозидан бироз кўтарилиб кетганини сезиб, истиғфор айтишга ўтирди. Кейин бозорга бориб, иккита қул сотиб олиб, мана шу гуноҳига тавба сифатида уларни Аллоҳ йўлида озод қилди...

Энди ҳар биримиз ўзимизнинг ҳолимизга бир назар ташлайлик-чи...

Ҳолимиз нақадар аянчли!



40. Кактусдан олма кутма! Ҳар бир нарсанинг аслини, ўтмишини билишга интил, токи келажакда улардан сенга зарба етмасин.



41. Ҳаёт ҳарчанд қийин бўлмасин, ҳалолликнинг ўзига хос гашти бор...



42. Қанчалик турфа хил ғам-ташвишларингиз борлигини билмайман, лекин барча ғам-ташвишларнинг шифоси Қуръон эканини биламан.



43. Сукут қилиб бирор марта надомат қилмадим, лекин гапириб қўйиб кўп марта афсусланганман.

Умар ибн Хаттоб



44. Шикоятни кўпайтирсанг, ташвиш келади.
«Алҳамдуиллаҳ»ни кўпайтирсанг, баҳт-саодат келади.



45. Унутма! Бир кишини танқид қилиб, бармоғингни бигиз қилганингда учта бармоғинг ЎЗИНГГА қараб турган бўлади.



46. Аллоҳ сенга ёзган тақдирга рози бўл, энг баҳтли инсон бўласан.



47. Энг яхши дўст шуки, сенда бирор яхшилик кўрса ҳаммага айтади, бирор айб кўрса яширади, дунё сенга кулиб боқса ҳасад қилмайди, дунё сендан юз ўгирса ташлаб кетмайди.



48. Баъзан ҳамма нарса сенга тескари бўлиб қолиб, ёлғиз Аллоҳгина сен билан бирга қолади. Шундай экан, доим Аллоҳ билан бирга бўлгин, шунда ҳамма нарса сен билан бирга бўлади.



49. Дўстлик харсанг тошдир. Уни хиёнат болғасигина парчалай олади.



50. «Келаси Рамазонда кундуз энг узун бўлар экан, бу ҳолат ҳар 33 йилда бир келар экан», дейишияпти. Биз эса: «Келаси Рамазоннинг ажру савоби энг улкан бўлар экан, бу ҳолат ҳар 33 йилда бир келар экан », деймиз.

Рамазонга етказгин, Аллоҳим!



51. Ҳеч бир инсоннинг ички ҳолатини қўйиб, шаклу шамоилига қараб ҳукм чиқарма!

Зеро, қаҳва аччиқ бўлса ҳам, баъзилар унинг таъмини татиб кўриб, мажнун даражасида ошиқ бўлиб қолишади.



52. Насиҳат:

Тамаки чекиши нима? Бу:

20 ёшда кўнгилхушлик;

30 ёшда одат;

40 ёшда атеросклероз;

50 ёшда жисмнинг емирилиши;

60 ёшда аниқ ўлим;

Қиёмат кунида оғир ҳисоб-китобдир.

Никотин – ўлим сабабчиси. Аллоҳ Билгувчиидир.

Илтимос, чекманг!



53. Роббим! Сен билан учрашишга ҳеч нарса тайёрламаган ҳолимда умрим тугаб қолишидан қўрқаман.

Аллоҳим! Муроду мақсадим Сени рози қиласиган амаларни қилиш бўлсин, қалбимни Сени норози қиласиган ишлардан буриб қўйгин!

«إِلَهِي أَنْتَ مَقْصُودِي وَرِضَاكَ مَطْلُوبِي»

Илоҳим! Ўзингсан мақсадим, ризоингдир матлабим.



54. Ҳеч қачон «қила олмайман» дема! Бу сўз мағлубларнинг ҳужжатидир.

Аллоҳга таваккул қилиб, уриниб кўравер!



55. Хатони дархол ҳис эта билиш қалб мусаффолигининг далилидир.



56. Агар ғурурга кетаётганингни сезсанг, оёқларинг остига қара. Ўзинг устида юриб кетаётган мана шу тупроқсан, унутма!



57. Дунё уч кундир:

Кеча: биз уни яшаб бўлдиқ, энди у қайтиб келмайди;

Бугун: биз уни яшаяпмиз, бироқ у узоқ давом этмайди;

Эрта: биз унда қаерда бўлишимизни билмаймиз.



58. Бирор кун истаган нарсангни қўлга кирита олмасанг, буни омадсизлик дема!

«Аллоҳ менга бундан ҳам афзалини истабди», дегин.



59. Аллоҳга сизларга бирор нарса ато этиши учун ибодат қилманглар, балки сизлардан рози бўлиши учун ибодат қилинглар. У Зот сизлардан рози бўлиб қолса, ато этган нарсалари билан сизларни ҳайрон лол қиласди.



60. Бало-офат фақат гуноҳ туфайли келади ва фақат тавба туфайли кетади. ТАВБА ҚИЛ, БИРОДАР!




61. Яхши сўз гўзал қушга ўхшайди, тилингдан чиққан заҳоти бошқаларнинг қалбida сайрайди.



62. Камбағаллик кучлиларни хорлай олмайди, бойлик пасткашларни юксалтира олмайди.



63. Мол-дунё талабгори денгиз сувидан ичаётган кишига ўхшайди: ичган сари чанқоғи ортиб бораверади.




64. Бахт-саодат ўз уйингда, уни бировларнинг боғидан қидириб юрма!



65. Эркак баркамол аёлни орзу қиласи.
 Аёл ҳам баркамол эркакни орзу қиласи.
 Билишмайдики, Аллоҳ уларни бир-бирини тўлдириб,
 баркамол қилсин деб яратган.



66. Кўнгиллар синса шовқин эшишимайди, лекин кўплаб
 азобу аламлар ҳосил бўлади.



67. Ўттиз ёшида мусулмон бўлди. Ўттиз олти ёшида вафот
 топди.

ОЛТИ ЙИЛ

Эй Саъд ибн Муъоз! Шу озгина фурсатда нима амал
 қилдингизки, ўлимингиз сабабли Раҳмоннинг Арши ларзага
 келди?

Аллоҳим! У зотни ҳидоят қилганингдек, бизни ҳам ҳидоят қил!

الْهَدْفُ وَاحِدٌ „وَالنَّوَايَا مُخْتَلِفَةٌ..“




لِذِلِكَ لَيْسَ كُلَّ مَنْ يَنْتَظُ إِلَيْكُ مُعَجِّبٌ بِكَ

68. Максад битта, ниятлар турфа.

Сенга қараётган одам ҳар доим ҳам сени ёқтираётган бўлавермайди.



69. Раҳмлиларга Раҳмон ҳам раҳм қиласи! Ердагиларга раҳм қилинглар, осмондаги Зот сизларга раҳм қиласи!



70. Икки ҳикматни ёдлаб ол.

Биринчиси: ғазабинг чўққига чиққан пайтда қарор қабул қилма.

Иккинчиси: баҳт-саодат чўққисида турганингда ваъда берма.



71. Ҳақиқий дўстинг – сени сўзсиз ҳам тушунадиган, далил-хужжатсиз ҳам тасдиқлайдиган кишидир.




72. Одамлар сен ҳақингда ёмон сўз айтса, Ҳасан Басрийнинг айтганларини айтгин:


«Марҳабо, эй ўзим қилмаган, мاشаққатини тортмаган, миннат ҳам, риё ҳам аралашмаган ҳасанот! Хуш келибсан!»



73. Кудук қанча чуқур бўлса, сув шунчалик муздек ва тотли бўлади. Қалб қудуғингдан сўз чиқаришдан олдин чуқурроқ фикрла! Зеро, сўз ақлнинг гаровидир.



74. Инсон шикоятдан кўра истиффорни кўпроқ айтса эди, шикоят қилишдан аввал роҳатни топган бўлар эди.



75. Чарчадим дема, ҳамма ҳам чарчаган!
Яхшиман дема, ҳамма ҳам яхши.
Хафаман дема, ҳаммада ҳам ташвиш бор!
«Алҳамдулилаах!» деб, бу ўткинчи дунёда охиратинг учун амал қилиб қол!



76. Йўқлигингда сени ҳимоя қиладиган ЭНГ яхши ҳимоячинг – ахлоқингдир.



77. Битта она ўнта болани парваришлай олади, лекин ўнта бола баъзан битта онани парваришлай олмайди.

Онамни жаннат саййидаларидан қилгин, Аллоҳим!



78. Бирор инсоннинг сенга елкадош бўлиб турганини кўрсанг, билгинки, Аллоҳ уни ҳолатингни енгиллатиш учун сенга елкадош қилиб қўйган!



79. Юзингга қасддан ёпилган эшикни иккинчи бор тақиллата кўрма!



80. Оғир-босиқ бўлиш қийин, дейишади.

Мен эса «Роббим ҳамма нарсага қодир», дейман.



81. «Роббим, барча ёмонликларни мендан четлат!» деб дуо қилганимдан бери кўплаб инсонлар ҳаётимдан чиқиб кетишиди.




82. Ахлоқни юксалтиришдаги биринчи қадам – комиллик фақат Аллоҳга хослигини эсда тутган ҳолда, бировларнинг айбларидан кўз юмишни ўрганишдир.



83. Ўқимайдиган одамдан қўрқма, лекин ўқиганини англамайдиган одамдан эҳтиёт бўл.




84. Ҳаёtingнинг ҳар бир кунини охирги кунингдек яша! Зеро, қайси бир кун албатта охирги бўлади.



85. Ёлғиз қолишни ҳаётдаги энг катта мусибат деб билардим. Энди билсам, энг катта мусибат ўзингни ёлғиз ҳис этадиган қилиб қўядиган кишилар билан бирга яшашинг экан.



86. Эҳтимол, сафардан қолганинг яхшилиkdir.
Эҳтимол, уйлана олмаётганингда ҳам баракот бордир.
Эҳтимол, бир мансабдан четлатилганинг манфаатdir.
Эҳтимол, фарзанд кўрмаётганинг сен учун хайрлиdir.
**«Эҳтимол, ёқтирган нарсангиз сиз учун яхшиdir.
Аллоҳ билади, сиз эса билмассиз!» (Бақара сураси, 216-оят).**



87. Аллоҳ бир қавмга ёмонликни ирода қилса, уларга тортишувни беріб, амални олиб қўяди.



88. Аҳмоқ энди қилмоқчи бўлган ишини гапиради.
Мақтанчоқ қилиб ўтган ишларини гапиради.
Оқил эса қилади-ю, гапирмайди.



89. Толеимиз паст эмас, лекин қалбларимиз Аллоҳдан узок бўлгани учун тушкунликда яшаяпмиз.

Аллоҳни эсланглар, У Зот ҳам сизларни эслайди.



90. Онам туфайли барча аёлларни ҳурмат қиласман.



91. Раҳмоннинг зикри бўлмаганида руҳларимиз ғамташишдан ўлиб битган бўлар эди.


«Эй иймон келтирганлар! Аллоҳни кўп зикр қилинглар!» (Аҳзоб сураси, 41-оят).



92. Тўғри иш қилсанг, бирор эсламайди, аммо хато қилсанг, ҳеч ким унумайди.



93. Ҳасан Басрий айтадилар:
«Неъмат пайтида ҳамма бир хил. Синов пайтида ҳамма ҳар хил».



94. Уч нарса қайтиб келмайди:

Оғиздан чиққан сўз;
Отилган ўқ;
Ўтиб кетган вақт.



95. Ҳаёт жуда қисқа.

Сен уни бировларга нафрат қилиш билан ўтказиб юборма!



96. «Ҳеч кимга эҳтиёжим йўқ» деган киши энг мухтоҷ одамдир.



97. Кечиримли бўл! Ўзинг ҳам бир пайтлар хато қилгансан.

سرق لص عمامة سيدنا عمر بن الخطاب
في السوق وهرب ..
فأخذ عمر يركض خلفه وهو يصرخ يقول
أشهد الله أني ملكتك اياها .. فقل قبلت حتى"
لا تمسك النار"

ما أروعك يا بن الخطاب

98. Бир ўғри бозорда Умар ибн Хаттобнинг салласини ўғирлаб қочган эди, Умар розияллоҳу анху: «Аллоҳ шоҳид, уни сенга бердим. «Қабул қилдим» деб қўй, дўзахга тушиб қолма!» деб қичқирганча унинг ортидан югурга кетди.

Нақадар улуғсиз, эй Ибн Хаттоб!



99. Сокин денгиз мохир денгизчини тарбиялай олмайды. Маҳоратингни ғовлар оширади, улардан фойдаланиб қол!




100. Одамларнинг қалби жаннат эмас, у ерда мангу қоламан деб ўзингни қийнама!



101. Истиғфор нақадар ажайиб!
Қулфларни очади.
Кўнглингни ёзади.
Мол-дунёни кўпайтиради.
Аҳволингни яхшилайди.
Ёмғир ёғдиради.

«Астагфируллоҳал-ъазииим ва атуубу илайх».
(Буюк Аллоҳдан магфират сўрайман ва Ўзига тавба
қиласман).



102. Дунёда йўловчи каби бўл. Ортингда фақат чиройли излар қолдир. Бу дунёда меҳмонмиз, холос. Меҳмонинг жўнашдан бошқа чораси йўқ.



103. Фузайл ибн Иёз раҳимаҳуллоҳ айтадилар:
Беш нарса бадбаҳтлик аломатидир:
Қалбнинг қаттиқлиги;
Кўзга ёш келмаслиги;
Ҳаёсизлик;
Дунёга рағбат;
Узун орзу (*ҳою-ҳавас*).



104. Аллоҳ йўқотаман деб ўйламаган нарсангни олиб қўйса,
билигинки, яқинда топаман деб ўйламаган нарсангни беради.

Муҳаммад Мутаваллий Шаъровий



105. Аллохдан иймон ва куч-қувватида ёрдам сўрайдиган киши фақатгина

Ширин сўз;

Яхши гумон;

Олийжаноб хулқ;

Жоҳиллардан юз ўгиришни билади, холос.



106. Кимдир ухласа, ҳаётнинг алам-изтиробларидан қутулади. Кимдир ухласа, ҳаёт унинг озор-азиятларидан қутулади.




107. Маъсиятларни тарк эта олмасанг, уларни тоат-ибодатлар билан сиқиб чиқар.

«Яхшиликлар ёмонликларни кетказади» (*Xуд сураси, 114-оят*).



108. Хаёт тажриба ва қийинчиликлардан иборат.

Азоб-уқубат тортганинг сари хикматинг ортаверади. Муваффакиятсизликка учраганинг сари қувватинг ортаверади. Табассум қилганинг сари яхши орзу-умидларга шўнғийверасан.



109. Күшойиш кечикса, у умуман келмайди дегани эмас. Аллоҳнинг тақдири раҳматларга яширилган, лекин сизлар шошқалоқ қавмсиз.



110. Юсуфнинг акалари уни ўлдирмоқчи бўлишди. Лекин у ўлмади.

Бир йўла унинг изини қуритмоқчи бўлишди. Аммо унинг шаъну обрўси кўтарилиб кетди.

Уни қул қилиб сотиб юбориши. Лекин у подшоҳ бўлди.


Отасининг қалбидан унинг муҳаббатини буткул ўчириб юбормоқчи бўлишди. Бироқ у янада зиёда бўлди.

Бандаларнинг тадбиру ҳийлаларидан хавотирга тушма. Аллоҳнинг тадбири барчасидан устундир!




111. Мехнат-машаққатлардан кейин қанчалар ажр-мукофотларга ғарқ бўлишимизни билсак эди, кушойишнинг тезроқ келишини орзу қилмаган бўлар эдик.

«Мусибат етганда: «Албатта، биз Аллоҳникимиз ва албатта، биз Унга қайтувчимиз», деган сабрлиларга хушхабар бер!» (Бақара сураси, 155–156-оятлар).



112. Бекаму-кўст хаёт кечираётганинг хали баҳт эмас, бу сенинг нуқсон-камчиликлардан кўз юмишга қарор қилганингни англатади.

Агар дунё биз истагандек бўлганида, жаннатни умуман орзу қилмаган бўлар эдик.



113. Одамлар сени факат иши тушгандагина эслашса хафа бўлма, хурсанд бўл! Демак, сен шам экансан, уларнинг ҳаёти зулматга чўмгандагина сен томон шошиб қолишади.



114. Гапириш осон. Орзу-умид қилиш гапиришдан ҳам осон. Хомхаёлни ҳамма ҳам қиласверади, лекин азму қарорли кишиларгина муваффақият қозонадилар.

Доктор Мустафо Махмуд

ثقافه حول العالم



ليكن حظ المؤمن منك ثلاث
ان لم تتفعه فلا تضره
ان لم تسره فلا تغمه
ان لم تمدحه فلا تذمه

115. Мўмин кишининг сендан оладиган насибаси уч нарса бўлсин:

Фойданг тегмадими, ҳеч бўлмаса заар берма.

Хурсанд қила олмадингми, ҳеч бўлмаса хафа қилма.

Мактамадингми, ҳеч бўлмаса ёмонлама.

هناك لم يجعلك تحزن و تكتب وهناك لم يجعلك تفهم و تغير

www.arabic.uz

116. Сени хафа қилиб, тушкунликка соладиган ғам-алам ҳам бор, сени тушунувчан қилиб, бутунлай ўзгартириб юборадиган ғам-аламлар ҳам бор.

تعلمت الا اثق فيمن يحدثني عن الناس

لأنه سيحدث الناس عني

117. Менга бирвлар ҳақида гап ташийдиган одамга ишонмайдиган бўлдим, чунки бирвларга ҳам мен ҳақимда гап ташиши аниқ.



118. Шам битта хонани ёрита олади. Ҳақиқий дўст эса бутун ҳаётингни ёритади.



119. Икки оёғингда тик тура олсанг, бу дунёда ярим метр масофани эгаллайсан. Лекин ҳақ эътиқодда тура олсанг, бутун оламни қўлингда бўлади.



120. Дўстона муносабат кемага ўхшайди, уни вафо ҳаракатлантиради, хиёнат чўқтиради.



121. Хавотир тебранма курсига ўхшайди: сени доимо ҳаракатлантириб турса-да, ҳеч қаерга олиб бормайди.



122. Энг катта даҳшат кунларнинг тез ўтишидир.



123. Аёл йиғласа, оғзига қўлини қўяди.
Эркак йиғласа, кўзига қўлини қўяди.
Гуноҳ қўпроқ қайси аъзодан содир бўлса, ўша ерни яширгандек...



124. Оқиллар уч хил бўлади:


Дунё уни тарқ қилмай туриб, дунёни тарқ этган киши;
Яратувчисига йўлиқмай туриб Уни рози қилган киши;
Қабрга тушишидан олдин уни обод қилган киши.
Сиз ҳам оқиллардан бўлинг!



125. Фазаб қилма, жаннат сеники бўлади.




126. Ҳарчанд уринмагин, Аллоҳнинг ёзгани бўлади, холос.



127. Эшакка ортиқча аҳамият бериб юборсанг, у ўзини зотдор араб отиман деб ўйлаб қолади.



128. Одамлар китобга ўхшайди. Баъзиларидан кўплаб ҳикмат ва яхшилик топасан. Баъзиларининг эса фақат ғилофи чиройли бўлади, холос. Минг афсуски, бунақалар жуда кўп.



129. Жаннатни излашда саҳобалардан фарқимиз шуки, улар жаннатни амал билан излашган, биз эса қуруқ орзу билан изляпмиз.



130. Билганинг ҳаммаси ҳам қалбингга ҳузур бахш этавермайди. Айрим нарсалар ноаниқ қолса гўзалроқ бўлади.



131. Ҳаёт ўзининг мазасини йўқотгани йўқ. Уни қандай тотишни унутиб қўйдик, холос.



132. Имконинг борича энг афзал инсон бўлгин.
Одамларни қўявер, нима дейишишса деяверишин.
Билгинки, коинотнинг Робби бор. У Зот бирор нарсага «Бўл!»
деса, албатта бўлади.



133. Ҳеч бир кичик нарсани арзимас санама. Баланд тоғлар
ҳам майда тошлардан иборат.



134. Гапиришдан олдин сўзларингни танлаб ол. Танлаш учун
гап пишиб етилишига кифоя қилгудек вақт бер!
Гап мевага ўхшайди: пишиб етилиши учун вақт керак бўлади.



135. Уч нарсани мияннга қуиб ол:

Үлимдан қутулиш йўқ;
Бу дунёда роҳат йўқ;
Одамларнинг гапидан омонлик йўқ.




136. Шундай гаплар борки, уларни айтасан, лекин ҳеч нима айтмагандек бўласан. Шундай сукутлар борки, улар билан ҳамма нарсани айтгандек бўласан.



137. Одамзотнинг мусибатларидан бири шуки, унга ёқмаган биргина феълинг учун аввалги барча яхшиликларингдан кечиб юборади.



138. Қалблар Мадинаи Мунавварага ошиқади, чунки у ерда биз севган зот борлар.



139. Бойлик қўлга киритган кишиники эмас, балки ундан баҳра олган кишиникидир.



140. Ҳамма дунёни ўзгартиришни ўйлайди, лекин ҳеч ким ўзини ўзгартиришни ўйламайди.

Лев Толстой



141. Одамлар ҳар куни юзини ўзгартиришади. Бинобарин, сен ўз қадру-қимматингни одамларнинг юзидан қидирма!



142. Ким бир неъматнинг ичида бўлса-ю, унга шукр қилмаса, ҳеч нарса туймаган ҳолатда ундан чиқиб кетади.




143. Мол-дунё ризқнинг бир бўлагидир.

Яна соғлик ризқи, фарзанд ризқи, таом ризқи, баракадаги ризқ ҳам бор.

Ризқ фақат мол-дунёнинг ўзи эмас. Аллоҳ субҳанаҳу ва таолонинг ҳар бир неъмати ризқдир.

Шайх Мутаваллий Шаъровий



144. Эй одам боласи! Роббингга осийлик қилаётган бўлсанг ҳам, сенга Ўз неъматларини узлуксиз бераётганини кўрсанг, эҳтиёт бўл!



الفشل : أن تغير مبادئك
لتكسب قلب غيرك .. !

145. Муваффақиятсизлик – биронинг кўнглига йўл топиш учун ўз принципларингни ўзгартиришингдир.



146. Бирор кўтариб чиқариб қўйишини кутгандан кўра чиқишига ўзинг харакат қилганинг осон.



147. Икки хил одам бор:
Бири қаерга бормасин, одамларни баҳтли қиласи.
Иккинчиси эса қачон жүнаб кетса, шундагина одамларни баҳтли қиласи.



148. Одамлар худди ер остидаги конларга ўхшайды... Ялтироқ нарсалар сени алдаб қўймасин. Кўпинча улар ялтираб тураверади-ю, аслида олтин бўлмайди.



149. Чўққига етиш осон. Уни ушлаб тура билиш қийин.



150. Дунёда ўйинчи бўл, ҳакам бўлма!
Ўйинчи нишонни, ҳакам эса хатони қидиради.



151. Аслида дўстлар ўзгармайди. Лекин баъзиларни дўст дейишига шошилиб қўямиз-да...



152. Одамлар сени иккиюзламалигинг учун яхши кўрганидан кўра, дангаллигинг туфайли ёқтиргмагани яхши.



153. Луқмон Ҳаким ўғлига деди:

«Ўғлим! Истиғфорни қўпайтир. Аллоҳнинг шундай бир файзу раҳматлари борки, уларга истиғфор айтадиганларгина эриша оладилар».



154. Нодонлар билан баҳлашма, акс ҳолда улар билан тенг бўлиб қоласан, улар эса сени ўз тажрибалари билан енгиб қўйишиади.



155. Олдингда бирорларни ёмонлаган одамга ишонма, чунки у сенинг ортингдан ҳам худди шундай қиласи.

*Улки санга элдин эрур айбгў,
Элга даги сандин ўлур айбжў.*

Алишер Навоий



156. Бирони шижаатлантиришга қурбинг етмадими, энди унинг ихтиrolари барбод бўлишига сабаб бўлиб қолма!



157. Менга қурули тил эмас, ақл бўлган, ҳал қилувчи зарбаси сергаплик эмас, сукут бўлган шахслар ёқади.



158. Шайх Мағомисий айтади:

«Дунё ишларидан бирига боғланиб қолсанг-у, у сенинг бор ташвишингга айланиб қолса, қўлингни кўксингга қўйгин-да, «Аллоҳим! Қалбимнинг муҳаббатини, боғлиқлигини ва Ўзинг томон юзланишини зиёда қилгин!» деб айт».



159. Бирор гуноҳга қўл уриб қўйсанг, буни ҳеч кимга айтма! Одамлар уят қилишади, лекин узрингни қабул қилишмайди. Аллоҳ эса авф этади ва яширади.



160. Имом Шофеъий раҳимаҳуллоҳдан «Бандани Аллоҳга яқин қиладиган амалларнинг энг буюги қайси?» деб сўрашди. У зот йиғлаб юбордилар, сўнг: «Аллоҳ қалбингга қараганида дунёу охиратдан фақат Унинг Ўзинигина исташиングни кўрмоғи», дедилар.

Аллоҳим! Бизларга ана шундай қалб насиб эт!



161. Роббим! Холис Ўзингга тоат қила олмасам ҳам, раҳматингдан умидворман!




162. Фараз қилинг, кўзгулар қалбларнинг ҳолатини ҳам акс эттирса...

Ўзининг ҳуснига ром бўлиб юрган жуда кўп кишилар бундай кўзгуларини дарҳол синдириб ташлаган бўлишарди.



163. Ҳакимлар айтади: «Сендан ғазабланса ҳам, бирор ёмонлик қилмаган одам билан дўст бўлавер, чунки ғазаб кишининг асл лойини кўрсатб беради».



164. Бир адидан сўрашди: «Ҳикматларнинг энг гўзали қайси?»

У деди: «Етмиш йилдан бери китоб ўқиб, мана бу сўзлардан гўзалроғини топмадим:

«Тоатнинг машаққати кетади, савоби қолади.
Гуноҳнинг лаззати кетади, жазоси қолади».
Хўш, сен ўзинг учун қайси бирини танладинг?



165. Инсон ўлганидан кейин:

юраги 10 дақиқа яшайды;
ақли 20 дақиқа яшайды;
күзлари 4 соат яшайды;
териси 5 кун яшайды;
сұяклари 30 кун яшайды;
Солиҳ амаллари эса то ҳисоб-китоб Кунигача яшайды.



166. Ҳаёtingдаги паст-баландликлар сени безовта қилмасин. Бу саломатлық ҳолатидир. Зеро, ҳаёт йўли юрак чизмаларига (ЭКГ) ўхшайди. Агар у бир текис чизикқа айланиб қолса, бу сенинг ўлганингни анлатади.



167. Бир одамнинг хулқини билмоқчи бўлсанг, ўзидан юқоридагиларга эмас, ўзидан пастдагиларга муомаласини кўргин!



168. Интернети бир-икки кун узилиб қолса, безовта бўладиган, Куръон тиловатидан бир-икки кун узилиб қолса, безовта бўлмайдиганлар ҳам бор.



169. Ўсиб келаётган ёшларимиз оталари одатлантирган нарсаларга ўрганиб улғаядилар.

Абу Ало Мағрибий




170. Ҳаёtingда маҳкам тутадиган энг ажойиб ҳикмат – Сен ҳақингда айтиладиган гапларга аҳамият бермаслигингдир.

Кимлигингни ўзинг биласан. Аллоҳ сенинг ҳолатинг ва ниятингни ўзингдан ҳам яхшироқ билади.

Қилаётган ишларингни оқлаб, қадру-қимматингни тушириб юрма!

Ҳаётдаги муваффақиятсизликнинг сири – барчани рози қилишга уринишdir.



171. «Анави ерда баҳт-саодат сотадиган дўкон бор экан» дейишиша, одамлар ўша томонга ёпирилиб, уни энг қиммат баҳога ҳам сотиб олишга тайёр. Билишмайдики, чинакам баҳт-саодат Аллоҳнинг ҳузуридаги текин саждадир.



172. Кетган нарса қайтиб келмайди. Аммо фақат дуогина умид билан кетиб, тухфа билан қайтиб келади. «Роббим!» десанг бас...



173. Агар узр айтиш нафсингга малол келса, бирорларнинг нафсониятига тегиш ундан ҳам оғирлигини бир ўйлаб кўр!



174. Чиройли из қолдирмадингми, ёмон из ҳам қолдирма. Ёмонлик билан тилга олинганингдан кўра умуман эсга олинмаганинг яхши.



175. Намозларида ўзи учун дуо қилишни унутиб қўядиган ягона инсон онадир, чунки у доим фарзандларининг ҳаққига дуо қилиш билан машғулдир.




176. Жим турганларнинг ҳаммаси ҳам бекорчи эмас. Шер анча вақт пайт пойлаб туриб, сўнг ўлжага ташланади.

Amr Shokir



177. Ҳар қанча намунали бўлмагин, барibir сени ёқтиридиганлар топилади. Шайтонларга ҳатто фаришталар ҳам ёқмайди-ку!



178. Касаллик фақат жисмда әмас, хулқда ҳам бўлади. Бадхулқ одамни кўрсанг, ҳаққига шифо сўраб дуо қил. Унга шу дардни бериб, сени омон қолдирган Аллоҳга ҳамд айт.



179. Қазои қадарга бўлган иймон «Қадарингни кутиб ухлайвер», демайди! Балки «Ўрнингдан туриб, қадарингни кашф қил», дейди.



180. Бахт-саодат ўзимиз эга бўлмаган нарсаларни қўлга киритиш эмас. Ҳақиқий баҳт эга бўлган нарсаларимизнинг қадр-қимматини идрок қилиб, англаб етишидир.



181. Ёғоч михга: «Мени синдиридинг-ку?!» деди. Мих: «Бошимга болға уришганини кўрганингда, мени айбламас эдинг», деди.




182. Ҳусн нигоҳни ўзига жалб қиласди.
Мехр-шафқат эса қалбларни ўзига тортади.



183. Ҳар кимнинг ўз нуқтаи назари бор.

Бор ташвишинг ўша нуқтаи назарингни пеш қилиш бўлиб қолмасин.

Масалан, сендан бошқа одам онангни оддий одам деб билади, сен эса уни жаннатим деб биласан.



184. Ҳеч қачон «Вақт топа олмаяпман» дема! Барча буюкларнинг ҳам бир куни 24 соат бўлган, ундан ошиб кетмаган.



185. «Сабр ва намоз билан ёрдам истанглар!» (*Бақара сураси, 45-оят*).

Йифи-сиги билан, нолиш билан, дод-фарёд билан, куй-қүшик билан ёки одамзотдан эмас.



186. Уч нарсани доим қилиб юрсанг, баҳтли бўласан:

- Неъмат келса, Аллоҳга ҳам айт.
- Ризқинг кечикса, истиғфор айт.
- Қийинчилик етса «Лаа ҳавла валаа қуввата иллаа биллаах»ни кўп айт («Аллоҳдан ўзгада на қувват, на қудрат бор»).



187. «Алҳамду лиллаҳ» ибораси ҳақида нималарни биласиз? «Алҳамдулиллаҳ»:

- Одам алайхиссалом айтган илк сўздир.
- Куръондаги биринчи калимадир.
- Энг афзал дуодир.
- Киёмат кунидаги энг афзал одамлар айтадиган сўздир.
- Жаннатнинг кўчатидир.
- Дунё ва охиратнинг мукаммалигидир.
- Хурсандчиликда ҳам, хафачиликда ҳам – ҳар бир ҳолатда айтиладиган жумладир.

Аллоҳим! То рози бўлгунингча Сенга ҳамд бўлсин! Рози бўлганингда ҳам Сенга ҳамд бўлсин! Рози бўлганингдан кейин ҳам Сенга ҳамд бўлсин!

فَيْلَ لِرَبِيعِ بْنِ الْهَيْثَمِ : مَا نَرَاكَ
 تَعِيبُ أَحَدًا ؟ فَقَالَ : لَسْتُ عَنْ نَفْسِي
 رَاضِيَا حَتَّى أَنْفَرَغَ لِذَمِ النَّاسِ ...



188. Рабиъ ибн Ҳайсамга: «Бирор кишини айблаганингизни кўрмаймиз-а?» дейишди. Шунда у: «Мен ҳали ўзимдан рози эмасманки, одамларни мазаммат қилишга вақт топсан», деди.



189. Намозингда шайтон сени шошилтиrsa, ўша етишмоқчи бўлган нарсаларинг ҳам, қўлдан бой беришдан қўрқаётган нарсаларинг ҳам ҳозир сен қархисида турган Зотнинг қўлида эканини ўйла!



قِمَةُ الْحِمَاقةِ
أَنْ تُلْبِسَ حَذَاءً يَؤْلُمُكَ
فَقْطَ لِأَنَّهُ يُعْجِبُ النَّاسَ

190. Одамларга ёқиш учун сенга азоб бериб турган пойабзални кийишинг аҳмокликнинг чўққисидир.



191. Аллоҳ бир ишни кечиктирса, фақат яхшилик учундир. Бир ишдан сени маҳрум қилса, фақат яхшилик учундир. Устингга бало-офат туширса, фақат яхшилик учундир. Ўкинма! Аллоҳ фақат яхшилиkenни раво кўради!



192. Ҳеч қачон одамларга уларнинг ўтмишидан келиб чиқиб баҳо бермайман. Ахир олмос ҳам дастлаб кўмир бўлган!



193. Бахт хазина ёки мол-дунёда эмас. Бахт факатгина розилик, қаноат ва хотиржамликдадир.

Аслида қандай бўлсанг, шундай бўл ва Аллоҳ сенга насиб қилганига рози бўл.



194. Одамлар орасида фахш нарсаларни тарқатишдан ҳазир бўл!

«Улар ўз юкларини ҳам, ўз юклари билан бирга бошқа юкларни ҳам кўтарадилар ва албатта, қиёмат кунида тўқиб олган нарсалари ҳақида сўраладилар» (*Анкабут сураси, 13-оят*).



195. «**Аллоҳ ҳар бир нарсага қодирдир**» оятини ўқисам, энг қийин мушкуллар ҳам ўз-ўзидан йўқ бўлиб кетади (*Бақара сураси, 20-оят*).



196. Гапингни оғзингдан чиқаришдан олдин унинг таъмини татиб кўр.



197. Биздан комиллика етишиш талаб қилинган эмас, унга интилиш талаб қилинган.



198. Роббим! Мол-дунё берсанг, баҳт-саодатимни олиб қўйма!
Кувват берсанг, ақлимни олиб қўйма!
Муваффақият берсанг, тавозеимни олиб қўйма!
Тавозе берсанг, ҳурматимни олиб қўйма!
Аллоҳим, омин!



199. Аллоҳ таолога тез ёрдам ёки фавқулодда ёрдамдек муносабатда бўлма, чунки уларга фақат ишинг тушганда ёки бало-офат етгандагина боғланасан, холос.

Кийинчиликда ҳам, енгиллиқда ҳам, хафаликда ҳам, шодликда ҳам, кенгчиликда ҳам, тангликда ҳам қалбинг Аллоҳга боғлиқ бўлсин!



200. Қазои қадарга рози бўлиш жоҳиллар умуман тушуна олмайдиган ҳикматдир. Шу боис, кўзларингни юмгин-да: «Аллоҳим, қазои қадардан кейинги розилигингни сўрайман», дегин.



201. Каъбаи Мушаррафа нақадар гўзал!
Аллоҳим, бизларга Байтул-Ҳарамингни зиёрат қилишни насиб эт!

قال عمر بن الخطاب :
لا أبالي أصبحت على ما
أحب أو على ما أكره ،
لأنني لا أدرى الخير
فيما أحب ، أو أكره



202. Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу айтади:

«Ўзим суйган нарсага эга бўлган ҳолда тонг оттиридимми ёки ёқтирган нарсамга эга ҳолда тонг оттиридимми, парво қилмайман. Ахир яхшилик суйган нарсамдами ёки ёқтирганимдами, билмайман-ку».



203. Сўз дорига ўхшайди. Кам бўлса, фойда беради.
Кўпайтириб юборсанг, ўлдиради.



204. Ҳамма ҳам хато қиласи. Лекин хатосидан сабоқ олиб, хулоса чикарадиганлар жуда кам бўлади. Ана шулар донишмандлардир.



205. Биргина нарсадан хафа бўлсам арзийди – Роббимнинг ҳузурида йўл қўйган камчилигимдан.



206. Аёл киши эрининг камбағаллиги, хунуклиги ва иши кўплигига сабр қилиши мумкин, лекин унинг ёмон хулқига сабр қила олмайди.




207. Кенгчилик буюк муаллимдир, лекин қийинчилик янада буюкроқ муаллимдир.



208. Аллоҳ қалби синиклар билан биргадир. Сен мана шунга ишон, шунинг ўзи сенга етиб ортади.



209. Ҳаётдаги синовлар ички қувватингни имтиҳон қилиш учун эмас, балки Аллоҳдан ёрдам сўраш қувватингни имтиҳон қилиш учундир.



210. Ичиди йиғлаб, ташида табассум қилади...
Аллоҳга тўла ишонганлар мана шулардир.




211. Мевани узишга шошилма! Сабр қил!
Яхши нарса эккан бўлсанг, кейинроқ бўлса ҳам мевасини беради.



212. Қадарга рози бўлганимизда Аллоҳга ҳамд бўлсин!
Хурсанд бўлганимизда ҳам Аллоҳга ҳамд бўлсин!
Хафа бўлганимизда ҳам Аллоҳга ҳамд бўлсин!
Қувонганимизда ҳам Аллоҳга ҳамд бўлсин!
Касал бўлганимизда ҳам Аллоҳга ҳамд бўлсин!
Мушкуллар ечилганда ҳам Аллоҳга ҳамд бўлсин!
Орзуларимиз жаннатга кўчган пайтда ҳам Аллоҳга ҳамд бўлсин!
Дунё биз учун тор бўлиб қолганда ҳам Аллоҳга ҳамд бўлсин!
Ҳар қандай ҳолатда ҳам Аллоҳга ҳамд бўлсин!



213. Мол-дунё бахт келтирмайды, бахтсиз ҳаётимизни күнгилхушлик билан яшаб ўтказишга имкон беради, холос!



214. Бойлик факат меҳнатга қараб бўлса, эшак олтин чорпоя устида ётган бўлар эди.

Anis Mansur



215. Вафотидан кейин ҳамма ҳам Аллоҳнинг ҳузурига боради. Аммо чинакам баҳтли инсон – ҳаётлик давридаёқ Аллоҳнинг ҳузурига борган кишидир.

قال الإمام الغزالى رحمه الله :
 إذا رأيت الله يحبس عنك الدنيا ويكثر عليك
 الشدائـ وـ الـ بـلـوى ..
 فاعـلـمـ أـنـكـ عـزـيزـ عـنـدـهـ .. وـ أـنـكـ عـنـدـهـ مـكـانـ ..
 وـ أـنـهـ يـسـلـكـ بـكـ طـرـيقـ أـوـلـيـائـهـ وأـصـفـيـائـهـ ..
 وـ أـنـهـ .. يـرـاكـ ..
 أـمـاـ تـسـمـعـ قـوـلـهـ تـعـالـى ..
 ((وـاصـبـرـ حـكـمـ رـيـكـ فـإـنـكـ بـأـعـيـنـا)) ..

216. Имом Газзолий раҳимахуллоҳ айтдилар:


«Аллоҳнинг сендан дунёни тўсиб, сенга шиддат ва балоларни кўпайтираётганини кўрсанг, билгинки, Унинг ҳузурида аизу мукаррам экансан, У Зотнинг ҳузурида ўрнинг бор экан. У Зот сени Ўзининг дўстлари ва сайлаган бандалари йўлига йўлламоқда. У Зот сени кўриб турибди. Ахир, У Зот таолонинг «**Роббингнинг ҳукмига сабр қил. Албатта, сен кўз ўнгимиздасан**» деган сўзини эшитмаганмисан? (*Тур сураси, 48-оят*).»



217. Бир ўзимга насиҳат қилсанг, ҳақиқатан ҳам насиҳат қилган бўласан.

Лекин кўпчиликнинг олдида насиҳат қилсанг, мени шарманда қилган бўласан.


Имом Шофеъий



218. Эй дўстим!

Мени бирор гуноҳ ёки ноҳақлик устида кўрсанг, менга насиҳат қилиб, тўғри йўлга бошла.

Сиқилиб қолишимдан қўрқма, дунёда бир кун сиқилсам сиқилай. Аммо охиратда бир умр сиқилишга чидай олмайман!



219. Кўз ёшингни артиш ўрнига, унинг такрор оқишига сабаб бўладиган нарсани ҳаётингдан ўчириб ташла.

أشد الناس حماقة
أقواهم اعتقاداً في فضل نفسه،
وأثبت الناس عقلاً
أشدهم اتهاماً لنفسه.

أبو حامد الغزالى

220. Ўзининг фазилатли эканига кўпроқ ишонган одам энг аҳмоқ одамдир.

Ўзини қаттикроқ айблайдиган одам энг ақлли одамдир.

حاجة الناس اليك نعمه فلا تملها
فتتصبح نعمة، وأعلم أن أفضل أيامك
وقت أن تكون مقصودا لا قاصدا

221. Одамларнинг сенга эҳтиёжи борлиги чинакам неъматдир. Сен буни малол олма, яна азобга айланиб кетмасин.

Билгинки, энг яхши кунинг – истовчи эмас, исталадиган одам бўлган кунларингдир.



222. Турмуш қуриш тақдир, талоқ қилиш эса қарордир.
Хафалик тақдир, хурсанд бўлиш эса қарордир.
Ҳаётингда бир инсоннинг бўлиши тақдир, уни сақлаб қолиш ёки қўлдан бой бериш қарордир.

Тақдир бизнинг қўлимизда эмас, лекин қарор ўзимизнинг қўлимизда.

Тақдирни қўлга ололмаймиз, лекин қарор ўз қўлимизда.